

40938981 - СОН
ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ХИЗМАТЛАРИ КЎРСАТИЛИШИ ТУГРИСИДА
АБОНЕНТ ШАРТНОМАСИ

Юридик шахслар (шу жумладан, бюджет ташкилотлари) учун

“12” январь 2022 йил

Иштихон шахри

“Ўзбектелеком” акциядорлик компанияси (кейинги ўринларда - Компания) номидан 23.11.2020 йилдаги №56-03-09/3568 - сон ишончнома асосида фаолият юритувчи Компаниянинг Самарканд филиали Иштихон туян телекоммуникациялар боғламаси бошлиғи А.Э.Ражаббоев (кейинги ўринларда-Оператор) бир томондан ва Иштихон туман тиббиёт бирлашмаси номидан Устав (Низом, рўйхатга олинганлик тўғрисидаги гувоҳнома, ишончнома) асосида фаолият юритувчи О.Б.Хужамов (кейинги ўринларда-Абонент) иккинчи томондан, (кейинги ўринларда биргаликда-Томонлар) телекоммуникация хизматлар кўрсатилиши бўйича қуйидагилар ҳақида Абонент шартномасини (кейинги ўринларда Шартнома) туздилар:

1. Шартномапредмети

1.1 Абонентушбу Шартномани имзолаб:

-Операторнинг WWW.UZTELECOM.UZрасмий веб-сайтида эълон қилинган Ўзбекистон Республикаси фуқаролик кодексининг367-369-моддаларига мувофиқ “Ўзбектелеком” акциядорлик компаниясининг телекоммуникация хизматларини кўрсатиш тўғрисида абонент шартномасини тузишга расмий оммавий таклифи бўлган Оммавий офертаси (кейинги ўринларда — Оферта) шартлари билан тўлиқ танишиб чиққанлигини тасдиқлаб, ушбу Оферта шартлари асосида Оператор билан телекоммуникация хизматлари кўрсатилиши тўғрисида шартнома тузади;

-Оператор томонидан кўрсатиладиган хизматлар учун Абонент Дастлабки аванс тўловини амалга ошириши ва тўлов фактини тасдиқловчи тегишли молиявий ҳужжатни олиши Оператор Офертасининг шартларини сўзсиз қабул қилиши (акцептини) ҳисобланади.

1.2ТомонларОфертанинг 2-моддасида кўрсатилган мақсадларда ушбу Шартномани имзолаганидан сўнг, Оператор Абонентга идентификация рақамини беради. Идентификация рақами берилганидан сўнг, Абонент, Оператор томонидан тақдим этиладиган хизматлар рўйхати доирасида ўз танловидан келиб чиқиб, Дастлабки аванс тўловини амалга ошириши мумкин.

1.3Хизмат кўрсатиш шартлари Офертанинг 3-моддасида белгиланган асосларда ва Абонент томонидан танланган хизмат тури ҳамда ушбу хизматни тақдим этиш учун техник имкониятлар мавжудлигидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

2. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

2.1.Оператор ушбу Шартномани имзолаган вақтдан бошлаб, Офертанинг 4-моддасида белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.2. Абонентушбу Шартномани имзолаган вақтдан бошлаб, Офертанинг 5-моддасида белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.3. Томонларушбу Шартнома амал қилиш даврида, ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларига қатъий риоя этилишини таъминлаш юзасидан зарур чораларни амалга оширадилар.

3. Ҳисоб-китобва тўловлар тартиби

3.1. Мазкур Шартнома бўйича Офертанинг 6-моддасига мувофиқ, хизматлар (мобил алоқа хизмати бундан мустасно) кўрсатилганидан кейин тўловни амалга ошириш (Postpaid) тизими шартлари татбиқ этилади.

3.2. Тарифлар Абонент билан Шартнома тузилганда ва Оператор хизматларидан фойдаланиш жараёнида Абонент билан ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун мажбурийдир. Хизматлар учун барча тарифлар миллий валютада кўрсатилади ва ушбу Шартнома тузилган вақтда белгиланган барча солиқлар ва йиғимларни ўз ичига олади.

3.3. Хизматлардан фойдаланиш учун Абонент тўлови биринчи ойда ушбу Шартнома тузилган санадан бошлаб 3 (уч) банк кунни мобайнида амалга оширилади.

3.3.1. Илк бор уланишда Абонент тўлови 100 (бир юз) фониз миқдорида олдиндан тўланади. Дастлабки аванс тўлови олдиндан тўлов бўйича талабнома (ҳисоб) асосида ҳамда ушбу Шартноманинг тегишли иловасида (Абонент томонидан танланган хизмат тури бўйича) кўрсатилган миқдорга мувофиқ ҳар бир танланган хизмат тури учун асосида амалга оширилиши мумкин.

3.4. Бюджет ташкилоти бўлган Абонент учун Шартноманинг умумий суммаси ушбу Шартноманинг тегишли иловасига (Абонент томонидан танланган хизмат тури бўйича) мувофиқ кўрсатилган хизматлар ҳажми билан белгиланади.

Шартноманинг умумий суммаси (ККСни ҳисобга олган ҳолда) 12 600 000 (ун икки миллион олти юз минг) сумми ташкил этади.

Ушбу сумма 10 956 522 (ун миллион тўққиз юз эллик олти минг беш юз йиғирма икки) сум миқдоридаги Абонент тўловини ҳамда 10 956 522 (ун миллион тўққиз юз эллик олти минг беш юз йиғирма икки) миқдоридаги бир марталик тўловни ўз ичига олади.

3.4.1. Мазкур Шартноманинг умумий суммаси ошиб кетган тақдирда, ортиқча сумма Томонлар ўртасида имзоланган қўшимча келишув/тақдим этилган ҳисоб-фактура асосида тўланади.

3.5. Абонент ушбу Шартномага асосан ёки берилган ҳисоб-фактура асосида ҳар ойда Оператор томонидан ҳисоб-фактура берилган кундан бошлаб 3 (уч) банк кунни ичида ушбу Шартномада кўрсатилган Операторнинг Шахсий (электрон) ҳисоб рақамига пул маблағларини ўтказиш йўли билан Оператор томонидан кўрсатилган хизматлар ҳақини тўлайди.

3.6. Агар Абонентнинг Шахсий (электрон) ҳисоб рақамига хизматлар кўрсатиш учун етарли маблағ бўлмаса ёки мазкур Шартноманинг 3.5-бандида кўрсатилган муддатда ҳар ойлик ҳисоб-фактура бўйича тўлов амалга оширилмаган бўлса, Оператор ушбу Шартнома бўйича хизматлар кўрсатилишини тўхтатиши мумкин.

3.7. Оператор томонидан уланган ва тақдим этилган хизматлардан Абонент томонидан фойдаланилмаслиги, Абонентга ушбу хизматлар учун тўловларни амалга оширмаслигига асос бўла олмайди.

3.7.1. Агар Абонент Оператор хизматларидан фойдаланишни вақтинча тўхтатишни, шунингдек, ҳисобот даври (календарь ойи) учун исталмаган тўловларнинг олдини олишни истаса, Абонент ҳисобот ойининг 1-кунидан олдин хизматларни ихтиёрий равишда блокировка қилиш учун ариза топшириши керак. Блокировка қилиш тартиби Оферта қоидалари билан тартибга солинади.

3.8. Оператордан бонуслар кўринишида реклама акциялари доирасида Абонентга тақдим этилган барча маблағлар факат Оператор хизматлари учун тўланиши мумкин ва Шартнома бекор қилинганда Абонентга пул шаклида тўланмайди ёки қайтарилмайди.

3.9.Оператор томонидан тақдим этилган хизматлар, Шартномага мувофиқ ҳар бир хизмат тури учун алоҳида расмийлаштириладиган ҳисоб-фактура билан ёпилади. Ҳар бир ҳисоб-фактурада тақдим этилган хизматларнинг тўлиқ календарь ойи учун умумий миқдори кўрсатилади

3.9.1. Агар Абонент 10 (ўн) иш кунни мобайнида Оператор томонидан тақдим этилган ҳисоб-фактура бўйича ўз

этиладиган хизматлар учун тўлов талабномасида (хисобида, хисоб-фактурада) тегишли тузатишларни амалга оширади.

3.9. Офертанинг 6.15-кичик бандида белгиланган тартибда, Абонентнинг Шахсий (электрон) хисоб рақамининг баланси салбий бўлганида **1 (бир) календарь ойдан** ошмаган муддатга Абонентнинг кафолат хати асосида Оператор томонидан Абонентга хизматлардан фойдаланиш имконияти берилиши мумкин.

4. Томонларжавобгарлиги

4.1. ТомонларОфертанинг 8-моддасига ва ушбу Шартномага мувофиқ белгиланган мажбуриятларни бажармаганлиги учун Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида ҳамда Офертада назарда тутилган тартибда ва микдорларда жавобгар бўлади (Томонларга нисбатан жавобгарликнинг чекланиш ҳолатлари бундан мустасно).

5. Низоларнихал қилиш тартиби

5.1. Томонларнинг ушбу Шартномани бажариш билан боғлиқ масалалар бўйича барча низолари ва келишмовчиликлари Офертанинг 11-моддаси талаблари асосида Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ ҳамда низоларни судгача ҳал этиш тартибига риоя қилинган ҳолда ўзаро келишув орқали ҳал қилинади.

5.2.Томонлар ўртасида юзага келган низо ва келишмовчиликларни ўзаро келишув орқали ҳал этишнинг имкони бўлмаган тақдирда, низолар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ Тошкент туманлараро иқтисодий судида кўриб чиқилади.

6.Алоҳида шартлар

6.1. Томонлармазкур Шартноманинг амал қилиш даврида ўз ҳуқуқлари ва мажбуриятлари билан боғлиқ равишда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашишни тартибга солувчи қонун ҳужжатлари нормаларини бузиши мумкин бўлган ҳар қандай чоралар кўрмасликлари ёки хатти-ҳаракатларни содир этмасликлари юзасидан мажбуриятларини қатъий эътироф этган ҳолда, ўзаро ҳамкорлик маданиятини юқори даражада таъминлаш ва коррупция ҳолатларига мурасасиз курашиш чораларини кўради.

6.1.Мазкур Шартноманинг амал қилиш даврида Томонларнинг иродаси ва фаолиятларига боғлиқ бўлмаган ҳар қандай ҳолатларда ва ходисаларда (енгиб бўлмайдиган кучлар/форс-мажор ҳолатлари) Офертанинг 10-моддаси қоидаларига амал қилинади.

6.2. Абонентнинг ёзма/электрон шаклда тақдим этилган ариза/эътирознома/шикоят/таклиф кўринишидаги мурожаати кўпи билан 30 (ўттиз) кун давомида кўриб чиқилади ва тегишли шаклда жавоб берилади. Бунда мурожаатни кўриб чиқиш учун 15 (ўн беш) кундан ортиқ муддат талаб этилса, Абонент (мурожаат муаллифи) Оператор томонидан бу ҳақда мажбурий равишда хабардор қилинади.

7. Якуний Қондалар

7.1. УшбуШартноманинг барча муҳим шартлари Офертага мувофиқ белгиланади. Ушбу Шартномада ёки Офертада назарда тутилмаган ҳолларда Томонлар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига амал қилади.

7.2. Ушбу Шартнома томонлар ўртасида имзоланган пайтдан бошлаб, кучга киради ва «31» декабр 2022 йилга қадар амал қилади. Агар, Шартноманинг белгиланган амал қилиш, муддати тугаганидан сўнг, Томонлар (бюджет ташкилоти бўлган Абонентга тадбиқ этилмайди) ўз шартларини бажаришни давом эттирса ва Томонларнинг ҳеч бири унинг бекор қилинишини эълон қилмаган бўлса, Шартнома ҳар бир кейинги йилга узайтирилади.

7.2.1. Бюджет ташкилоти бўлган Абонент учун ушбу Шартнома ваколатли давлат органларида рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 йилга қадар амал қилади.

7.2.2. Абоненттомонидан ушбу Шартноманинг имзоланиши - Оферта акцептини (Абонентнинг Оферта шартларини қабул қилганлиги ҳақидаги жавобини) билдиради.

7.3. УшбуШартнома, шу жумладан, Операторнинг расмий веб-сайтида эълон қилинган Оферта, илова ва қўшимчалар (агар мавжуд бўлса) Шартнома предмети юзасидан Оператор ва Абонент ўртасида тўлиқ Шартномани ташкил этади.

7.4. Томонларнингманзиллари ва банк реквизитлари, уларнинг таъсис ҳужжатлари (мулкдорлари) ўзгарган тақдирда, шу жумладан ташкилий-ҳуқуқий шаклининг ўзгариши ва бошқа ўзгаришлар руй берган тақдирда, Шартнома ўз кучида қолади. Томонлар бундай ўзгаришлар амалга оширилган кундан бошлаб, **10 (ўн) календарь кун** ичида бир-бирларини хабардор қилишлари шарт.

7.5. УшбуШартномага ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилганда (агар улар ёзма равишда расмийлаштирилган бўлса) ва ушбу ҳаракатлар Томонларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган ҳамда Томонларнинг муҳрлари (мавжуд бўлган тақдирда) билан тасдиқланган бўлса, ҳақиқий хисобланади.

7.6. УшбуШартнома давлат тилида, 2 (икки) нусхада расмийлаштирилган бўлиб, бир хил юридик кучга эга ва ҳар бир Томон учун битта нусхадан берилади.

8. Томонларнингманзиллари ва банк реквизитлари:

ОПЕРАТОР:	АБОНЕНТ:
“Ўзбектелеком” АК Самарқанд филиали Манзил: 140103, г.Самарқанд, ул.М.Улугбека,92 Банк маълумотлари: х/р: 20210000804074838397; СТИР:203366731; МФО:00401; АТБ “Алокабанк” Тел: (66) 240-0011, (66) 234-7574, (66) 234-7553; E-mail: samtel@uztelecom.uz;	<u>Иштихон тумани таъбиёт бирлашмаси</u> Манзил: <u>А.Навоийев №12 уй</u> Банк маълумотлари: х/р: <u>100022860182127082110054004</u> СТИР: <u>200972012</u>; Иштихон тумани буйича Газначилик булинмаси Газна х/в: 23402000300100001010. Марказий банк Тошкент шаҳри Бош бошқармаси ХККМ МФО: 00014. СТИР: 201122919. E-mail:
Оператор номидан:  А.А.Ражаббоев (Ф.И.Ш) /ИМЗО/ м.ў.	Абонент номидан:  О.Ж.Хутайев /ИМЗО/ м.п.

40938981

2022 йил "12" январ
—сонли абонент шартномасига
1-илова

Кўрсатиладиган хизматлар
Хизматлар рўйхати ва хизматлар учун тарифлар

Ўлчов бирлиги—Миллий валюта (сўм)

т/р	Хизматлар номи	ҚҚСбилан нархи (микдори)	Асос	Микдори	15% ҚҚСбиланТўлов микдори, 1 ойлик (сўмда)
1	2	3	4	5	6
	I. Бир марталик тўловлар				
	Рўйхатга олиш учун бир марталик тўлов		Нархнома		
	II. Хар ойлик абонент тўловлари				
	_____ тариф режаси бўйича _____ Мб/с тезлигида UZ-IXvaTAS-IX Миллий маълумотлар узатиш тармоғигакириш,				
2.1	Абонент тўлови	4200000	Нархнома	3	12600000
	Жами (олдиндан тўлов)				

Жами олдиндан тўлов микдори 12600000 (Ҳа минн миллион олти юз минг)
сўм, шу жумладан, ҚҚС 15 % микдорида.

Шартноманинг умумий микдори 12600000 (Ҳа минн миллион олти юз минг)
сўмни ташкил этади. Ундан 4200000 (тўрт миллион минн юз минг)
сўм микдорида ойлик абонент тўлови ҳамда _____ сўм бир маротабалик GPON технологияси бўйича
уланиш учун рўйхатга олиш тўлови.

ОПЕРАТОР:

АБОНЕНТ:

“Ўзбектелеком” АК Самарқанд филиали

Иштихон туман теббикат бирлашмаси

Оператор номидан:

Абонент номидан:



/А.Э.Ражаббоев/



/имзо/

YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA

1. Loyi haning turi

Telekomunikasiya xizmatlari ko'rsatilishi to'g'risida abonent shartnomasi

2. Loyi haning nomi

Telekomunikasiya xizmatlari ko'rsatilishi to'g'risida abonent shartnomasi

(Ishtixon tuman Tibbiyot Birlashmasi nomidan o'zining Nizomi asosida ish yurituvchi raxbar O.B.Xujamov keyingi o'rinlarda «Abonent» deb ataladi hamda «O'zbektelekom» AK Kompaniyaning Samarqand filiali Ishtixon tuman telekommunikasiyalar bog'lamasi boshlig'i A.E.Rajabboev o'rtasida 3 oy muddat davomida 12 600 000 (o'n ikki million olti yuz ming) so'mlik telekommunikasiya xizmatlari ko'rsatilishi to'g'risida)

3. Loyiha ishlab chiqaruvchisi va kiritilgan sana haqida ma'lumot

Ishtixon tuman Tibbiyot Birlashmasi 21.01.2022 yil

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga, O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari hamda O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018-yil 27-sentyabrda qabul qilingan 3953-sonli "O'zbekiston Respublikasining "Davlat xaridlari to'g'risidagi" qonunini amalga oshirish chora-tadbirlari to'g'risidagi Qaroriga 1-ilova tariqasida qabul qilingan "Davlat buyurtmachilari tomonidan to'g'ridan-to'g'ri shartnomalar bo'yicha xarid qilinadigan tovarlar (ishlar, xizmatlar)" ro'yxatining 4-bandi talablariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

2022-yil 21-yanvar

Bosh yuristkonsult



B.Normuratov